MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 31 MART ◆ SHANBA ◆ № 41 (26.743)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германия Федератив Республикаси Федерал президенти Йоҳаннес Раунинг таклифига биноан шу йил 2-5 апрель кунлари расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлади.

Ташриф чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИТОБИ – ПОЛЯК КИТОБХОНЛАРИГА

Бугунги кунда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби бир қанча тилларга таржима қилиниб, жаҳоннинг ўнлаб давлатларида чуқур ўрганилмоқда. Эндиликда польшалик китобхонлар ҳам мазкур асар билан танишиш имконига эга бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу асари Варшава университетининг Сиёсатшунослик фанлари институти сиёсат психологияси марказида халқаро тадқиқот дастури асосида Дорота Мушинска-Волни томонидан поляк тилига ўгирилди. Нашр «Ҳозирги Марказий Осиё» махсус китоблар туркумида «Сиёсий раҳбарлар» лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Китоб Варшава университетининг Сиёсатшунослик фанлари институти «Политейя» жамғармаси ёрдамида «Елипса» нашриётида чоп этилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган нашрни тайёрлашда таниқли олим ва муҳаррирлар Тадеуш Бодио, Адам Войташик, Войцех Якубовски иштирок этди.

Ислом Каримовнинг мазкур китобига чет элда қизиқиш катталигининг боиси шундаки, унда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мақсад ҳамда вазифалари аниқ баён қилинган ва асослаб берилган. Ўтган аср охирида дунё харитасида мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйган янги суверен давлатлар пайдо бўлди. Шу сабабли Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган ислоҳотлар сиёсатига катта қизиқиш билан қаралмоқда. Зеро, давлатимизнинг кишиларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қодир замонавий бозор иқтисодиётига эга демократик ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги тажрибаси — жуда ноёб. Тарихан қисқа даврда жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларида улкан ютуқларга эришилди, бунга юртимиз меҳмонлари ҳам ишонч ҳосил қилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон халқаро хўжалик муносабатларининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди, оламшумул муаммоларни ҳал этишда ўзининг эътиборли фикрига эга.



Бироқ ислоҳотлар ва янгиланиш йўли равон ва машаққатсиз эмас. Президент Ислом Каримов ўз китобида таъкидлаганидек, ҳозирги пайтда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда янги мустақил давлатлар хавфсизлиги ва барқарор ривожланиши муаммолари катта аҳамият касб этмоқда. Қандай қилиб хавфсизликни сақлаб қолиш, барқарорликни таъминлаш ва тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга эришиш мумкин? Бу саволларнинг барчасига давлатимиз раҳбарининг китобидан батафсил жавоб топиш мумкин. Унда Ўзбекистон халқи мустақиллик йилларида эришган ютуқлар ҳар томонлама таҳлил қилинибгина қолмай, ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида юзага келадиган муаммоларнинг ечимини топишга доир аниқ, пухта тавсиялар, XXI асрда жамиятимиз ривожланишининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби 1997 йилда дунё юзини кўрди. Китобда муҳокама этилган масалаларнинг нечоғлик долзарблигини унинг турли давлатлар ва турли тилларда нашр этилаётгани ҳам тасдиқлайди. Маълумки, ушбу китоб асосида мамлакатимиз ҳужжатли кино усталари фильм яратишмоқда, унинг беш қисми экранларга чиқарилди. Фильм Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Россия, Франция каби давлатларда намойиш этилди. Хабар қилинганидек, яқинда Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон ва Нью-Йорк каби йирик шаҳарларида фильмнинг учинчи қисми тақдимоти ўтказилди. У барча жойда улкан асар сифатида қабул қилинмоқда. Юртимиз жаҳонга юз тутмоқда ва мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишни истовчилар ҳам тобора кўпаймоқда.

Китобнинг Польшада нашр этилиши Ўзбекистонни бу мамлакатга таништиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

■ **А. ИВАНОВА,**
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Германия ҳақида бир неча қайдлар: *Германия 16 ўлкадан иборат федератив давлат бўлиб, ҳар бир ўлканинг ўз конституцияси, парламенти ва бошқаруви мавжуд. Давлат бошлиғи федерал президент ҳисобланади. 80 миллиондан ортиқ аҳолиси бор. 4 йил муддатга сайлаб қўйиладиган 669 депутатдан иборат Бундестаг (парламент) Германияда олий қонунчилик органидир. (Шу ўринда Бундестаг билан Олий Мажлис ўртасидаги алоқалар яхши йўлга қўйилганлигини таъкидлаш жоиз).*

Германия ялпи иқтисодий қуввати бўйича АҚШ-ва Японiядан кейин 3 ўринни, савдодаги улуши бўйича дунёда 2 ўринни эгаллайди. Ўтган йили товар айланиши 2,038 млрд. немис маркасини ташкил этди. Экспорт 12,9 фоиз, импорт 10 фоизга кўпайди.

2-5 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германия Федератив Республикасига ташриф буюради. Бу ташриф негизида ҳам икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, иккала давлат ва иккала халқ манфаатлари йўлида ўзаро тенг шериклик алоқаларини ривожлантириш масалалари ётади. Ҳукумат раҳбарлари билан учрашувдан ташқари, сиёсий ҳамда ишбилармон доиралар билан ҳам учрашувлар бўлади. Ташриф чоғида ГФРдаги Ўзбекистон Республикаси элчихонасининг янги биноси очилиши ҳам кутилмоқда.

Факт: *Иккала давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигига 8 йил бўлди. Шу орада Ўзбекистон Президенти ГФРга икки бор, 1993 йил ва 1995 йилларда, Германия Федератив Республикаси Президенти Р. Херцог эса бир бор, 1995 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрди. Шу ташрифлар натижаси ўлароқ иккала давлат муносабатлари асосини ташкил қилувчи 50 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланди.*

Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб эътироф этган Германия Федератив Республикаси билан Ўзбекистон бугун деярли ҳамма соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик: *Ўзбекистон бозорида бугун германиялик сармоядорлар билан ташкил этилган 150 та корхона фаолият юргизмоқда. Тошкентда Германиянинг 51 та фирма ва компаниялари доимий ваколатхоналари бор. Улар орасида «Даймлер-Крайслер», «Люфтганза», «БАСФ», «Сименс», «Тиссен», «Алкатель» ҳамда «Берлинер», «Дойче Банк АГ» ва «Коммерцбанк АГ»лар каби машҳур компания ва банкларнинг мавжудлиги қувонарли ҳол. 2000 йил натижаларига кўра Ўзбекистон Республикасининг Германия билан товар айирбошлаш ҳажми 291,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди.*

Илмий алоқа: *Ўзбекистонлик талаба ва аспирантлар мана бир неча йиллардан бери «Умид» жамғармаси орқали ГФРнинг қатор университетларида таҳсил олишмоқда. Ф. Эберт ва К. Аденауэр жамғармалари, Гёте номидаги институт ва «Дойче Велле» телерадиокомпанияси иккала давлат ўртасидаги илмий алоқани ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшмоқдалар.*

Маданий алоқа: *Ўзбекистонда Германия маданияти кунлари ва Германияда Ўзбекистон маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилган эди. Бонн ва Берлинда «Наврўз» айёмининг ўтказилганлигиёқ иккала давлат ўртасидаги маданий қизиқув нечоғлик юқори эканлигини кўрсатади.*

Биз бу алоқалар ҳақидаги қайдларни узоқ давом эттиришимиз мумкин. Чунки иккала давлат ҳам бир-бирига ишончли ҳамкор сифатида қарайди. Давлатимиз раҳбарининг бу галги Германияга ташрифи ҳам ана шу тенг шериклик ва ҳамкорликнинг улкан ифодаси ва исботидир.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ – МУҲИМ ВАЗИФА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгашининг кенгайтирилган IV пленуми шу шиор остида ўтди. Унда вилоят партия ташкилотининг Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши III пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари, вилоят партия кенгаши ижроия бюросининг ўтган йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи, «Она ва бола» йили тадбирларида иштирок этишига оид тадбирлари, шунингдек, вилоят кенгаши 2000 йилги бюджетининг ижроси, унинг 2001 йил бюджети лойиҳаси ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Маърузачи — вилоят партия кенгашининг биринчи котиби С. Аъзамов ва муҳокамада иштирок этган — Чирчиқ шаҳар кенгаши биринчи котиби Д. Азизхўжаев, «Ўзбекрезинатехника» акциядорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти котиби А. Марана, Қибрай тумани ҳокими муовини Б. Шералиева ва бошқалар партия ташкилотларининг ўтган йилги ишлари, ютуқ ва камчиликларига эътиборни қаратдилар.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов нутқ сўзлади. У, ўз сўзида, партиянинг пойтахт вилояти ташкилотлари фаолиятига ижобий баҳо бериб, пленум қатнашчилари диққатини Марказий Кенгаш III пленуми қарорларини амалга ошириш масалаларига қаратди. Маълумки, Ўзбекистон ХДП парламентчилик ишини ўз фаолиятининг устувор йўналиши, деб ҳисоблайди ва, шу соҳани такомиллаштириш мақсадида, кенг қамровли саъй-ҳаракатлар қилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари эътиборни депутатлар фаолиятини уйғунлаштиришга йўналтирдилар. Чунки, ўтган сайловлар якуни бўйича, республика Олий Мажлисига вилоят партия ташкилотларидан 5, халқ депутатлари вилоят Кенгашига — 12, туман, шаҳар Кенгашларига 222 депутат сайланди. Чирчиқ, Ангрен, Оҳангарон, Янгийўл шаҳар, Бўстонлиқ, Бекобод, Паркент, Чиноз туман партия кенгашлари, бу борада, муайян тажриба тўпладилар.

— Биз, — деди нотиқ, — кейинги йиллардагина парламентчилик ишлари билан жиддий шуғуллана бошладик, бу соҳанинг сир-асрорларини билиб олмоқдамиз. Бу — пойтахт вилоят партия ташкилотига ҳам тааллуқли. Бу ерда ҳам ҳар бир номзоднинг ғалабаси учун муросасиз курашилди, сайловдан кейин депутатлар имкониятларини ишга солишга эътибор тобора кучаймоқда. Жумладан, бугунги кунда, халқ депутатлари кўпчилик шаҳар, туман Кенгашларида ХДП партия гуруҳлари тузилиб, рўйхатдан ўтказилган ва улар ўз амалий фаолиятларини олиб бормоқдалар. Хусусан, Чирчиқ шаҳар партия ташкилотининг шу соҳадаги ижобий тажрибаси қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйишга лойиқ. Бу ерда, ўз вақтида, рўйхатдан ўтказилган, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги, партия гуруҳи долзарб ташаббуслар билан чиқиб турибди. Депутат қабулхоналари ҳам мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, вилоятдаги халқ депутатлари Кенгашларидаги ХДП депутатлар гуруҳларининг барчаси ҳам шундай ишлаяптилар, деб бўлмайди, таъкидлади Марказий Кенгаш биринчи котиби. — Депутатларимиз қанча кўпроқ амалий ишлар билан шуғулланса, халқ дарди билан яшаса, мамлакатимиз равнақига, юртимизда демократик тамойилларнинг қарор топишига шунча кўп ҳисса қўшган бўладилар.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу вазифаларни бажаришга кўмак бериш учун вилоят партия кенгашида етарли куч ва имкониятлар мавжуд. Шубҳасиз, бунинг учун 1184 та бошланғич ташкилотлар ҳисобида турган 40 минг нафардан зиёд партия аъзолари, бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилсалар, мақсадга эришилади.

Пировардида, ХДП раҳбари, ижтимоий масалаларни ҳал қилишда, меҳнат жамоалари ва аҳоли турар жойларидаги оммавий-сиёсий ҳамда тарбиявий ишларда, чунончи, «Она ва бола» Давлат дастури доирасидаги тадбирларни жойларда ўтказишда ҳамда ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракатини шакллантиришда партия ташкилотларининг иштироки бениҳоя муҳим эканлиги ҳақида сўз юритиб, вилоят туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари ўз куч-ғайратларини, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг, 2000 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг якунлари ҳақидаги, Вазирлар Маҳкамасининг, шу йилнинг 16 февралида бўлиб ўтган, мажлисида қилган, маърузасида баён этилган, масъулиятли вазифаларни бажаришга ҳар томонлама кўмаклашишга йўналтиришлари зарурлигини уқтирди.

Марказий Кенгашнинг биринчи котиби, шунингдек, партия ички интизомини мустаҳкамлаш, жумладан, бошланғич партия ташкилотларида йиғилишларни, ЎзХДП Низомида белгиланган муддатларда, ўтказиб туриш, ташкилотларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, партия раҳбар ходимларини танлаш ва тарбиялаш ишларини такомиллаштириш масалаларига ҳам тўхтаб ўтди.

Пленум, барча кўрилган масалалар юзасидан, тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленумда, шунингдек, ташкилий масала кўриб чиқилди. Р. Солиҳов, бошқа ишга ўтганлиги сабабли, вилоят партия кенгаши иккинчи котиби вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида масъул лавозимда ишлаб келган Носиржон Тоиров ЎзХДП Тошкент вилоят кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов қатнашди.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

КУКЛАМ ҚУВОНЧЛАРИ

■ Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

ОИЛА ВА ТАДБИРКОРЛИК

МЕҲНАТНИНГ МЕВАСИ - ШИРИН

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолининг демографик таркиби сабаб айрим муаммолар туғилиши бор гап. Мамлакатимизда меҳнат ёшидан кичик бўлган болалар ва ўсмирлар улуши 40 фоиздан ортиқни ташкил этади.

Бугунги кунда оила фаровонлигида айнан оилалардаги меҳнатга қобилиятли кишиларнинг шахсий жавобгарлиги муҳим ҳисобланади.

Халқнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун давлат фуқароларга имкониятлар очиб бериши ва кўмаклашиши муҳимдир.

Оилалардаги реал иқтисодий аҳволни ўрганиш мақсадида республика «Оила» илмий-амалий марказининг демография ва оиланинг ижтимоий-иқтисодий истиқболи асослари бўлими томонидан ўтган йили 1000 та хонадонда кузатув ва сўровнома (анкета) асосида социологик тадқиқот ўтказилди. Ўрганилган айрим оилаларда жон бошига тўғри келган ўртача ойлик даромад миқдори бироз пастлиги намоён бўлди. Ўз навбатида жон бошига тўғри келган ўртача ойлик даромад миқдори тадбиркор оилаларда 5000 сўмдан ортиқ, оилавий пудрат асосида ишлайдиганларда эса 4000 сўмга яқин бўлди. Шуни унутмаслик керакки, оила ва оила аъзоларини ҳимоя қилувчи асосий нарса унинг меҳнати ҳисобланади.

Жойларда ўтказилган социологик тадқиқот натижаларига кўра, оилаларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари суст бормоқда. Масалан, ўрганилган мингта оилаларнинг 5 фоизинигина тадбиркор фермер ёки оилавий пудратда ишлайдиган оилалар ташкил этди. Уларнинг асосий қисми, яъни 95 фоизи эса давлат бюджети томонидан келадиган даромад ҳисобига ҳаёт кечириши маълум бўлди. Шунинг учун ҳам бу оилалар даромад топишнинг янги имкониятларини қидиришлари лозим. Чунки, уларнинг олаётган даромадлари оила эҳтиёжларини қондиришга камлик қилади. Бу ҳолнинг асосий сабаби эски тоталитар ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳали мавжудлиги ҳамда мулк эгаларининг янги хўжалик юритиш шаклларини атрофлича ўзлаштиролмаганлигидир.

Оилаларда тадбиркорликни ривожлантириш учун аввало юқори технологияни талаб қилмайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш лозим. Оила шароитида қадимги ҳунармандчилик соҳасини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Негаки, бу биринчидан катта маблағ талаб қилмайди. Иккинчидан, оиланинг истеъмолига мўлжалланган воситаларини даромад келтирувчи ускуналарга айлантириш имконини беради. Учинчидан, мураккаб меҳнатни ва юқори малакали ишчини талаб этмайди. Тўртинчидан, оила аъзоларининг касб малакаси юқори даражага кўтарилишига ёрдам беради.

Оилаларнинг иқтисодий аҳволи ва даромад тизими кенгайиб, миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиб боради. Даромадларнинг кўпайиши истеъмол тизимини сифат жиҳатдан яхшилайди. Оила иқтисоди тўлиқ ва етарли даражада таъминланган бўлса, оила аъзоларининг илм олишга, малакасини оширишга ва етук мутахассис бўлиб етишишга мойиллиги ошиб боради.

Тадбиркор оилаларга келадиган даромад миқдори ишчи ва хизматчи оилаларнинг даромадига қараганда 5-6 марта кўп. Тадбиркорликдан келадиган даромадларнинг моҳияти ва унинг ташкил топиш механизмини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш оилалардаги мавжуд иқтисодий муаммоларни бартараф этишга кўмаклашади.

Оила дастурхонининг тўкинлиги юрт фаровонлигининг нишонасидир. Бунинг учун унинг ҳар бир оила аъзоси «олма пиш — оғзимга туш» қабилида эмас, ҳаракатда — баракат, интилганга толе ёр, деган нақлларга амал қилсалар, айни муддао бўларди.

■ **Ҳакима НАЗАРОВА,**
Наргиза ИМИНОВА

ИСТИҚЛОЛ, МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

Муқаддас Ўзбекистонимизнинг жанубий сарҳадларида жойлашган сеҳрли гўша — Сурхондарё воҳаси ўзининг беғубор, ориятли ва меҳнаткаш одамлари, минг-минг йиллар нарига бориб тақаладиган узоқ тарихи, бетакрор ажиб табиати билан алоҳида ажралиб туради.

Зеро, фасллар келинчаги бўлмиш баҳор ҳам аввало Сурхондарёдан бошланади.

Ҳар йили мамлакатимизнинг ана шу воҳасида илк бор ўрик гуллайди, дов-дарахтлар куртак очади. Тириклик, янгиланиш, кўклам нафаси юртимизга Сурхон воҳасидан бошланади. Қадимий урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз аввалаб-асраб, эъзозлаб келинаётган, Термизнинг 2500 йиллик қутлуғ тўйини нишонлашга қизғин тараддудда бўлган воҳа меҳнаткашлари эса мустақилликнинг 10 йили ичида юқори даражада муваффақиятларга эришди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ана шу йиллар давомида қилган ўнлаб ташрифлари ва олиб бораётган одилона сиёсати, иқтисодий ислоҳотлар натижасида Сурхондарё мамлакатимизнинг нафақат аграр, чегара вилояти, балки ҳар томонлама ривож топаётган салоҳиятли бир ўлкасига айланиб бормоқда.

Қуйида ана шу борада эришилган айрим эзгу ишлар ва муваффақиятлар хусусида, қолаверса, амалга оширилажак вазифалар ҳақида тўхталамиз.

Ислом КАРИМОВ:

Мамлакатимизнинг жанубий чегарасида жойлашган, ўзининг бетакрор бойликлари, табиати, тарихи, маданияти, ишлаб чиқариш салоҳияти, аввало кўнгли очиқ, бағри кенг, меҳнаткаш эли билан Сурхон воҳаси барчамизни ўзига мафтун этиши бежиз эмас, албатта.



ТЕРМИЗДА НАВРЎЗ

АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР

— Сурхондарё вилояти аҳолиси 1 млн. 771 минг киши.

— Ўтган йилга нисбатан 35 минг кишига кўпайди.

— Меҳнатга лаёқатлилар 788,2 минг кишини ташкил этади.

— Иш билан банд кишилар сони 577 минг.

— Болалар муассасалари 526 та.

— Мавжуд 810 та умумтаълим мактабларида 471,1 минг ўқувчи билим олмоқда. Ўқитувчилар сони эса 35068 нафарни ташкил этади, яъни меъёр даражасидан 1382 та кам.

— Сурхондарёда битта олий ўқув юрти — Термиз давлат университети бор. Унда 5370 нафар талаба таҳсил олаяпти.

— Вилоят бўйича 20 йигит-қиз «Умид» жамғармаси орқали чет элларда ўқишяпти.

МАҚСАД – ЮРТ ТИНЧЛИГИ, ЭЛ ХОТИРЖАМЛИГИ

«Менинг учун юртимнинг тинчлиги, халқимнинг омонлигидан ортиқ бахт йўқ».

Юртбошимиз ҳамиша такрор айтадиган сўзлар бу. Чиндан, она-Ватанимиз ўз мустақиллигига, ўз эркига эга бўлган кундан бошлаб ана шу улуғ мақсад — юрт тинчлиги, элимиз хотиржамлиги йўлида нечоғлик улкан ишлар бажарилмаяпти дейсиз. Шубҳасиз, барча улуғ ишлар истиқлолимиз туфайлидир.

Таъбир жоиз бўлса, Ватан мустақиллиги аввало чегаралардан бошланади. Ватан сарҳадлари тинч бўлса, юртимиз омон бўлади, гуллаб яшнайди. Сурхондарё вилояти Амударё орқали Афғонистон билан қўшни. Бундан ташқари, Сурхон воҳаси Тожикистон ва Туркманистон Республикалари билан ҳам чегарадош.

Шу маънода чегара вилоятида яшаётган одамлар турмуш тарзи, кайфияти билан Юртбошимиз ҳамиша қизиқадилар, ҳукумат даражасида эътибор, ғамхўрликлар қилинади.

Очиғи, сир эмас, яқин ўтмишда — собиқ шўролар замонида ҳаётнинг ёзилмаган, аммо сўзсиз амал қилинган «қонун»лари бор эди. Ана шу «қонун»ларга кўра марказга яқин бўлмаган ҳудудларга эътибор ҳамиша ҳам қаратилавермасди. Балки шу боисдандир, Сурхондарё фақат аграр, яъни қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган вилоятга айланиб қолганди. Халқнинг турмуш кечириш тарзи ҳам шунга яраша бўлиши керакдек эди, гўё.

Ҳайриятки истиқлол туфайли бундай эски тузум «мерос»ларига барҳам берилди. Халқимизнинг бевосита турмуш қулайликлари билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммолар мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлабоқ давлат аҳамияти даражасига кўтарилди. Табиийки, бундай оқилона сиёсат ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Буни бугунги кунда биргина Термиз шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шаҳарда ўнлаб ҳиёбонлар, маданият ва спорт иншоотлари, бир-биридан гўзал, салобатли иморатлар, чиройли йўллар... йўлаклар, нени истасангиз топиш мумкин бўлган супермаркетлар, обод бозорларни кўриб кўзларингиз қувонади. Буларнинг барча-барчаси юртимизда олиб борилаётган сиёсат туфайли, ҳаётимизнинг тинч-тотувлигидан эмасми?

Президентимиз ҳар гал вилоятда бўлганларида нафақат воҳа аҳлининг турмуш тарзи билан танишиш, балки юрт мустаҳкамлигини таъминлашга эътибор қаратишлари бежиз эмас.

Жумладан, 1998 йил 15 август куни Юртбошимиз Термиз шаҳрига ташриф буюрганларида чегараларимизнинг мустаҳкамлигини ошириш юзасидан гапириб: «Бизга ёвуз ният билан қараётган, бахтли ҳаётимизга ҳамла қилмоқчи бўлганларнинг ақлини киритиб қўйиш учун ўз кучимизни, керак бўлса ҳарбий салоҳиятимизни ҳам намойиш этишимиз зарур бўлади», деган эдилар.

Юртимиз истиқлолга эришгандан кейин ҳар йили ўн йилликларга татийдиган бунёдкорлик ишлари рўёбга чиқаётган мамлакатни кўролмайдиганлар, ҳасад ўтида қовуриладиганлар чиқиши турган гап эди.

Ўтган йили июль ойининг охирида вилоятнинг тоғли Сариосиё ва Узун туманлари ҳудуди орқали Ватанимизга бостириб кирган ёвуз кучлар бунинг ёрқин мисоли бўлмадими?

Чегарачиларимизнинг душманга жон бериб, жон олиб мардларча Ватанимиз тупроғи учун курашганларини ҳеч ким унутгани йўқ. Бу воҳаларда ўнлаб жигаргўшаларимиздан айрилганимизни, уларнинг кўрсатган қаҳрамонликларини ҳам ҳеч ким унутмайди.

Энг муҳими, ана шу юз берган воқеалар бизни янада огоҳ этди. Ҳушёрроқ бўлишга ўргатди. Бугун Юртбошимиз таъкидлаганларидек, Ўзбекистонимизнинг жанубий сарҳадлари мустаҳкам қўрғонга айланган.

Вилоятда эса юқорида айтганимиздек, йилдан йил замонавий корхоналар қурилмоқда. Чекка қишлоқларда ҳам хорижнинг турли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик заводлари ишга тушириляпти. Бунга биргина мисол: куни кеча Термиз туманида, яъни Амударё соҳилида тадбиркор Ж. Маматқулов Исроил давлатининг сутни қайта ишлайдиган кичик заводини келтириб ишга тушириш тадбирини ўтказди...

• Вилоятда бугунги кунда жами 25 та қўшма корхона мавжуд.

• 2000 йил давомида вилоят банклари томонидан 301 та фермер хўжаликларига 477 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

• Фермер хўжаликларининг сони 3008 тани ташкил этади.

• Вилоят бўйича мустақиллик йилларида 2265 та корхона ва ташкилотлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди.

АВВАЛ ИҚТИСОД...

• Вилоятда 473 та акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатади.

• 125 хўжалик ширкатга айлантирилган бўлиб, уларнинг низом жамғармаси 4835,3 миллион сўмни ташкил этади.

• 2001 йил ҳосили учун 92 минг гектар майдонга ғалла экилган. Айни пайтда 8961 оилавий пудратчи билан маҳсулот етиштириш бўйича шартнома тузилган.

• Қишлоқларга сув ўтказиш қувурларини ўрнатиш топшириғи ортиғи билан уддаланди. Режадаги 230 километр ўрнига 245,9 километрлик қувур ётқизилди.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Сурхондарё вилояти мустақиллик йилларида қайта ёшариб, яшнаб бормоқда. Иқтисодий тамойилларнинг шарофати туфайли воҳа одамларининг турмуш даражаси тобора яхшиланмоқда. Мустақилликнинг ўтган тўққиз йили мобайнида жами 2265 та корхона ва ташкилотлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилганлигининг ўзи бунга мисол бўла олади. Ана шу корхоналардан 473 таси акциядорлик жамиятларига, 1497 таси хусусий корхоналарга ва 223 таси бошқа нодавлат мулкчилик шаклларига айлантирилди.

Умуман, 11132 та тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.



Хусусийлаштирилган корхоналарни ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, тадбиркорнинг оёққа туриб кетиши учун унга мадад бериш умумий тараққиётимизнинг олға силжишини таъминловчи омиллардандир. Мулкларни хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан 295,4 миллион сўми ана шу эзгу мақсадлар учун сарфланади. Бундан ташқари, вилоят Бизнес-фонд бошқармаси томонидан 233 та лойиҳа учун жами 387,5 миллион сўм кредит ажратилганлиги ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг амалдаги кўринишидир. Фақат 2000 йилнинг ўзида тадбиркорликнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 39 нафар тадбиркорга 97115,0 минг сўмлик кредитлар ажратилди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар ҳам изчиллик билан бажарилмоқда. Ўтган йили ана шу йўл билан жами 8862 та ишчи ўринлари очилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун ажратилган маблағлар режадагидан ошиқ 282,4 миллион сўмни ташкил этди. Янги иш ўринлари очиш ва уларга аҳолининг ишсиз қисмини жалб этиш борасида эса вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Ўтган йили вилоят миқёсида фақат қишлоқ хўжалиги учун 930 миллион 367 минг 400 сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Ана шунинг эвазига қишлоқ аҳолиси учун 1873 та қўшимча ишчи ўринлари очилган бўлса, бу маблағнинг 151 миллион 440 минг сўми шу тизим ҳиссасига тўғри келди. Мисол учун, Олтинсой туманидаги «Азамат» фермер хўжалигига 2 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилган эди. Натижада бу фермер хўжалигида яна 10 та янги иш ўрни очилди. Ёки шерободлик фермер Иброҳим Қўзиевга бошқарма томонидан 25 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилганлиги туфайли ишбилармон фермер ўз қишлоғида 32 кишилик янги иш жойини ташкил этди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўтган йили вилоят бўйича барча йўналишдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 миллиард 266 минг 525 сўмлик имтиёзли кредитлар берилган. Бундан ташқари, 695 миллион 673 минг сўмлик микрокредитлар ажратилди. Вилоятда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ҳам иқтисодий мажмуа ривожи учун катта аҳамият касб этмоқда. Қимматли қоғозлар ягона реестрига 332 та очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари киритилган ва уларнинг Низом жамғармаси 3338,2 миллион сўмни ташкил қилган. Вилоятда 4 та хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур ХИФлар ва шунингдек, «ВАҚТ» миллий депозитарий, «Тошкент» республика фонд биржаси, «Истиқлол» ХИФ бошқарув компаниясининг вилоят филиаллари, «Давинком» давлат инвестиция фирмаси, Кўчмас мулк биржаси, Мол хомашё биржаси, Бизнес Инкубатор «Интеллект» сингари замонавий тизимлар вилоятда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш асосида одамлар турмушини фаровон қилиш, кўҳна Сурхон воҳасини янада яшнатиш имкониятини беради.

Биз ана шу тизимларнинг тўла ва ҳамкорликда фаолият кўрсатишини таъминлаш асосида тадбиркорларимизнинг жаҳон бозорида иштирок этишлари, четдан кўплаб валюта сармоялари жалб қила олишлари учун ҳаракат қиламиз.

■ Жуманазар ХОЛИЁРОВ,
Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси бошлиғи

ОРЗУЛАРНИНГ УШАЛИШИ

ёки Бойсунга газ қандай борган эди?

Алпомиш Ватани Бойсунни ким ҳам билмайди дейсиз?! Бойсуннинг гўзал ва сўлим табиати, осмонталаш чўққилари-ю пурвиқор тоғлари, минг йиллик чинорлари, нене оғир дардларга шифо бўлмиш булоқлари ҳақида ким ҳам эшитмаган дейсиз?!

Хуллас, Бойсун бу... Бойсун-да! Юртимизнинг гўзал, сеҳрли гўшаси ҳақида қанча таъриф айтсак айтгулик, туганмас хислатларга эгадир.

Аммо қуйида икки оғиз сўз ана шу Бойсун тоғларининг ўнлаб қишлоқларига табиий газнинг боришига ҳам Юртбошимизнинг қадамлари, шу халққа бўлган меҳр-муҳаббати сабаб бўлганлиги хусусида.

1994 йил 27 июль куни Президент Бойсунга келганди. Минг йиллик Бойсун чинори ўсадиган жой — Сайробда азиз юртбошига юзлаб тоғликлар пешвоз чиқишди. Шунда Юртбошимиз қайта-қайта «Менга қандай илтимосларингиз, муаммоларингиз бор, айтингизлар?» — дея сўраганларида, тоғлик отахонлардан бири:

— Азиз Юртбошим, ўзингиз Бойсунни жаннатдек гўзал дедингиз. Энди қанийди биз тоғликлар ҳам ана шундай масканда яшаб туриб, табиий газдан баҳраманд бўлсак, деб қолди.

Шу бир оғиз таклифдан сўнг, Бойсун халқининг орзуси ушалди. Қисқа вақт ичида хаёлга келмаган ишлар рўёбга чиқди. Бойсунга газ келди...

Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Тўрақул Ҳамроев ўша учрашувни ҳамиша ифтихор билан эслайди.

Юртбошимизнинг бу хайрли иши Бойсун халқининг ҳеч қачон эсидан чиқмайди. Ахир, бугунги кунда Бойсун шаҳрининг ўзи 97 фоиз газлашган, шу билан бирга туманнинг Хўжабулғон, Сайроб, Пасрухи, Паданг, Чорвоқ, Қорабўйин каби ўнлаб тоғ қишлоқларигача газ етиб борди.

Ҳа, қарийб саксон икки минг аҳолиси бўлган Бойсун халқи истиқлол сабаб елкаси офтоб кўрганидан миннатдор. Шу билан бирга яратувчилик ишларига ўзлари ҳам камарбаста.



КЎРКАМЛИК

«СУРХОН – АДЖАНТА ЛТД»: ХОМАШЁ ҲАМОН ЧЕТДАН...

Сурхондарёда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар ичида Ўзбекистон—Ҳиндистон қўшма корхонаси бўлмиш «Сурхон—Аджанта ЛТД»нинг ўрни бўлакча. Негаки, вилоятда хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилган илк корхоналардан бири ҳисобланади. Энг муҳими, бақувват сармояга эга. Бу ерда дори-дармонлар ишлаб чиқарилади.

Президент 1997 йил 10 май куни Сурхондарёга буюрган навбатдаги ташрифларида ана шу қўшма корхонага келиб, иш фаолияти билан танишган эдилар.

Юртбошимиз корхонада ишлаб чиқариладиган дори-дармонларнинг хомашёси Ҳиндистондан келтирилишини билиб, Сурхондарёнинг қулай табиий иқлим шароитида ўсаётган турфа хил гиёҳлардан дори-дармонлар тайёрлаш имконини яратиш хусусида ўз фикрларини билдирган эди.

— Хомашёнинг асосий қисми ўзимизда тайёрланиши керак. Акс ҳолда бу корхонанинг истиқболи йўқ, — деган эдилар ўшанда.

Хўш, орадан уч ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. «Сурхон—Аджанта ЛТД» қандай ишлаяпти? Энг муҳими, қўшма корхонада дори-дармонлар Ўзбекистонда ўсадиган шифобахш гиёҳлардан тайёрланаяптими? Афсуски, ундай бўлмаяпти. Айни пайтда корхона «сув бўйида сувга зор». Дейлик, ўтган 2000 йилда корхонада 586 миллион 543 минг сўмлик маҳсулот, яъни дори-дармонлар ишлаб чиқарилган бўлса, ана шу маҳсулот хомашёсининг аксарияти ҳамон четдан валютага олиб келинаётгани мақтагулик эмас.

Бу борада республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоятдаги масъул раҳбарлар янада жиддийроқ шуғулланишлари керак, деб ўйлаймиз. Ахир, Сурхон воҳасида қанчаданқанча дори-дармонлар тайёрласа бўладиган гиёҳлар ўсади. Ана шу корхонага энди хомашёни йиллар давомида бошқа жойдан олиб келиши керак?

Шубҳасизки, хомашё ўзимиздан бўлсагина қўшма корхонанинг истиқболи порлоқ бўлади.

ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ



ОБОД ДИЁР МАНЗАРАЛАРИ

ҒУРУРГА ЧУЛҒАЙДИ

Йилдан йил мустақиллигимиз берган неъматлардан баҳраманд бўлиш, истиқлолимизнинг нечоғлик улуғ эканлигини англаш ҳисси ҳар бир юртдошимиз қалбида ўсмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари бундан 8 йил аввал вилоят кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқида тилга олган жуда кўп масалалар ўз вақтида куюнчаклик билан айтилганини ҳис этади сурхондарёликлар.

«Мустақил давлатнинг мустақил фуқаролари сифатида ўзимиз яшаб турган қишлоқ, туман, вилоят, ировардида бутун Ўзбекистонимиз равнақи учун ҳар биримиз жон куйдиришга, бор куч-қувватимиз, ақл-заковатимизни ишга солишга ўрганайлик», — деган эди Юртбошимиз.

Халқнинг онги ва тафаккуридаги ўзгариш ва ўсиш ер билан осмон қадар. Ахир, 1993 йилларда Сурхондарёда бирорта тадбиркор ҳам, мулкдор ҳам йўқ эди. Хусусий корхона, мулк эгаси дегани нима эканлигини кўпчилик билмасди. Бугунги кунда вилоятда ўнлаб доврўқли мулкдорлар пайдо бўлди. Улар юртимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшишяпти. Музрабодда Қурбон Амирқулов, Деновда Аҳмад Нарзуллаев, Гулнора Ҳайдарова, Қумқўрғонда Тангир Ҳакимов, Термизда Шермат Маматқулов, Пўлат Алпомишев...

Ер ўз эгаларини топаяпти. Деҳқон-фермер хўжаликлари, оилавий пудрат эгалари асосий экин майдонларининг ҳақиқий хўжайинларига айланишяпти. Вилоятда спорт, маданий-маърифий соҳаларда ҳам катта ишлар амалга ошди. Миллий қадриятларни эъзозлаш, муқаддас зиёратгоҳларни таъмирлаш йилдан-йилга кучайтирилмоқда.

Болаларимиз тарбияланадиган боғчалар, таълим оладиган мактаблар, ўқув юртлари... Бу соҳаларда ҳам ибратли ишлар бажарилмоқда.

Юртбоши раҳнамолигида 1999 йил «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги кенг нишонланган эди. Энди эса Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйига ҳозирлик кўрилмоқда.

Хуллас, юртимиз чиройига чирой қўшилаётгани ҳар биримизни ғурурга чулғайди.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ

• Мамлакатимизда энг узун кун (14 соат 18 минут) Термиз шаҳрида кечади.

• Юртимизнинг энг баланд чўққиси ҳам Сурхондарё вилоятида жойлашган. Сариосиё туманида ҳудудидаги Қолдирға чўққисининг баландлиги 4683 метр.

• Мамлакатда энг кўп қуёшли кун ҳам (бир йилда 300-320 кун) Термиз шаҳрида кузатилади.

• Шероботдаги Хўжаикон туз кони Ҳамдўстлик мамлакатларидаги конлар ичида энг бой заҳира бўлиб, у 200 йилдан кўпроқ вақтга етади.

ДЕҲҚОН МАНФААТДОР БЎЛСА...

Ўтган йили бўлиб ўтган вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз Сурхондарёда давлатга пахта тайёрлаш режаларининг сурункасига барбод этилаётганини қаттиқ танқид қилган эди. Бунинг сабаблари битта-иккита эмасди, албатта.

Аввало, қишлоқ хўжалигида агротехника тадбирларининг қўпол равишда бузилиши, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашгани, қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган техникаларнинг яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги ва энг муҳими, ер ўз эгаларига топширилмаётганлигини кескин танқид қилган эдилар.

Очиғи, Президентнинг шахсан кўмаги билан ўтган йилнинг ўзида қарийб 80 га яқин экскаваторлар экин майдонларининг мелиоратив ҳолати бузилган Шеробод, Қизириқ, Музрабод, Бандихон каби туманларга сафарбар этилди.

Қарийб 10 йиллар давомида қазилмаган зовурлар тозаланди, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кенг кўламда иш бошланди.

Вилоятда қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш, мавсумга шай қилиш, янги техникалар олиб келиш бўйича ҳам анча ишлар уддаланди. Биргина Қизириқ туманига 51 та янги тракторлар лизинг асосида олиб келинди. Энг муҳими, 2000 йилнинг ўзида вилоятда 49 та жамоа хўжаликлари ширкат хўжаликларига айлантирилди ва уларнинг сони 125 тага етди. Пахта ва дон етиштириш бўйича 13500 га яқин оилавий пудрат аъзолари шартнома асосида меҳнат қилишмоқда.

Ҳамма гап деҳқоннинг манфаат кўришида. Йил бўйи меҳнат қилиб даромад кўрмаслик мумкинми? Шу боис, 2001 йилдан бошлаб вилоятда ҳар бир деҳқон, механизатор, ишчи ўз меҳнат ҳақи, маошини ўз вақтида олишига эришиш кўзда тутиляпти. Пахта чигити ҳам аввалги йиллардагидек май ойида эмас, балки апрелнинг дастлабки ўн кунлигида тўлиқ экиб бўлинади.

Қарийб 98000 гектар майдондаги ғалла экинларининг ривожи эса ўтган йиллардагидан фарқли ўлароқ парваришланмоқда. Чунки деҳқонлар режадан зиёд ҳосилга тўлиқ ўзлари хўжайин бўлишади. Шу боис, изланиш ва интилиш билан меҳнат қилишяпти.

Сурхондарё деҳқонининг аввалги довруғини тиклаш улар учун виждон амридир.

Субҳидамда денгиз бўйида қуёшнинг уфқдан балқиб чиқишини ҳеч кузатганмисиз? Унинг нурлари зулматни ёриб, сув сатҳи бўйлаб мавжланади, кўзни қамаштиради. Сониялар ўтгани сайин қуёш баркаши катталашиб ўз жамолини тўла-тўкис намойиш қилади...

